

**Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бүйиче
ШАРТНОМА № 111**

15 аюни 2022 йил

Жиззах шаҳри

Фориш туман Ободонлантириш бошкармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” де юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи туман ҳокими **Х.Журакулов** в “JIZZAXO’LLOYINA” МЧЖ (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари **Ў.Отабобоев** мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўрипларда “Ишлар” деб аталадиган кўйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Хонбанди шаҳарчаси кучаларини жорий таъмирлаш ва йул четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха смета хужжатини тайёрлаш.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун пудратчига зарурый лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиши мажбуриятини олади.

1.3.Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

2. Мажбуриятларининг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % микдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аникланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазиначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қиласди.

3. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнida шартномадан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишига йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурый чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи кўйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичida ёки

мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аникланганда, булар ҳакида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгуга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда бургмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўргасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **27 000 000 (Йигирма етти миллион)** сўмни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20% микдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ кўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва снгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни иктисадий судда кўриб чикишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равища расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг хақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўнга ошиб кетганда;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний коидалар

9.1. Томонлар мазкур шартномани амла қилиш даврида ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши қурашишни тартибга соловчи конуни нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатлар содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупцияга муросасиз қурашиш чораларини кўради.

9.2. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклида тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади ва 31.12.2022 йилгача амал килади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.4. Шартномага

илова

9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

“JIZZAXYO’LLOYINA” МЧЖ
(етказиб берувчи номи)

Адрес: Жizzах шаҳри Маданият махалласи
Пахтакор кўчаси 9-үй
ИНН :203 294 197
Тел./факс 72-222-65-58
х/р: 2020 8000 1040 5928 9001
Банк: АЖ “Асака банк” Жizzах филиали
МФО:00140 ОКЕД: 71110
Рўйхатдан ўтиш коди (KKC) 3081 2001 8529




Ў.Отабобоев

«Буюртмачи»

Фориш туман Ободонлаштириш бошқармаси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фориш т. Богдон ш. Ш.Рашидов к. 3-үй
ш/х* 4017 2286 0082 3570 4520 4110 002
Банк номи: Тошкент ш Марказий банк БХККМ
МФО: 00014 СТИР: 206 943 329
ОКОНХ:
Фазначилик бўлинмаси номи
Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Фазна хисоб
вараги
Фазна х/в: 2340 2000 3001 0000 1010.
МФО: 00014
Фазначилик бўлинмаси СТИР: 201 122 919





«ТАСДИКЛАЙМАН»
Фориш туман “Ободонлаштириш
бошкармаси” бошлиги
Х.Жүракулов
2022 йил

Фориш туман “Ободонлаштириш бошкармаси” томонидан туман бюджет маблаглари хисобидан Фориш тумани Хонбанди шахарчаси кўчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишларини давлат харидларида № 97865- сонли лот ўтказилган электрон танлов натижасини кўриб чикиш бўйича аниқланган ғолибига билан учун танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 3

2022 йил « 10» июнь

Богдон шахарчаси

Катнашдилар:

Фориш туман “Ободонлаштириш бошкармаси” бошлиги Х.Жұрақұлов - баҳолаш танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

- 1.Казаков Жахонгир
 - 2.Нуркулов Бобир
 - 3.Узоков Сунат
 - 4.Музаффаров Юсуп
 - 5.Исанова Рањо

- Бошқарма мухандиси-танлов комиссияси котиби.
Бошқарма бош мухандиси-комиссияси аъзоси.
Бошқарма бош мухандиси-комиссияси аъзоси.
Бошқарма мухандиси-комиссияси аъзоси.
Бошқарма хисобчиси-комиссияси аъзоси.

Кун тартиби:

1. ЛОТ№ 97865 билан Фориш тумани Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича.

ЭЛЬОН (БУОРТМАНОМА)

Фориш тумани Хонбанди шахарчаси кўчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича ахборот порталига жойлаштирилган 2022 йил 01 июндан 09 июнгача 10 кун муддатга ЛОТ№ 97865 – сонли эълон (талабнома)га асосан талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифлар бўйича.

2. Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича (бажариш) иштирок этган ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар.

| Товар (иш,хизмат)нинг номи | Ул. бирл | Со ни | «Jizzax yol-loyiha » МЧЖ | | «Sangzor project invest» МЧЖ | | «AZIZA-LOYIHA» МЧЖ | |
|---|-------------|----------|--------------------------------|--------------------|---------------------------------|--------------------|--------------------------------|--------------------|
| | | | Таклиф этилган нарх(сўм) | Уму мий балл | Таклиф этилган нарх(сўм) | Уму мий балл | Таклиф этилган нарх(сўм) | Уму мий балл |
| Хонбанди шахарчаси кўчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлиари учун лойиха-смета хужжатлари | Хиз мат | 1 | 27000000,0 | 81,0 | 29000000,0 | 63,55517 | 27000000,0 | 59,12 |


Талабгорлар томонидан Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича 2022 йил 29 майдан 09 июнгача 10 кун муддатга ЛОТ№ 97865 – сонли эълон юзасидан 10.06.2022 йил соат 09-25га қадар оғзаки ёки ёзма эътиroz ва мурожаатлар тушмади.

Комиссия Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун ўтказилган танлов бўйича:

Қарор қиласди:

1.Фориш тумани Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва кўча четларини ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича ўтказилган танловда 81,0 балл билан ғолиб бўлган «Jizzax yol-loyiha » МЧЖ билан шартнома имзоланиб, ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.


1.Казаков Жахонгир



2.Нуркулов Бобир



3.Узоқов Сунат



4.Музafferов Юсуп

5.Исанова Раъно



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma

2. Loyihaning nomi.

«Jizzaxloyiha» MChJ va Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida Xonbandi shaharchasi ko‘chalarini ta‘mirlash va yo‘l chetini sozlash loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlash bo‘yicha shartnoma (27.000.000 so`inga) tuzish haqida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

«Jizzax loyiha» MChJ va Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida tuzilgan. Forish tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 13.06.2022 yilda kiritilgan.

Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy- xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunini;

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonuning 56-63-moddalaridagi davlat xaridi bo‘yicha tanlov o‘tkazish talab va shartlari;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021 yildagi “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6313-sonli Farmonining 3-qism v)-bandiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma ishtirokchilarining ‘huquq va majburiyatları O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunini talablariga javob beradi. Shartnoma shartlari yuzasidan kelib chiqishi mumkin bo‘lgan javobgarlik masalasi tomonlar o‘rtasida qonumiyl kelishilgan, nizolarni hal qilish tartiblari belgilangan.

Markaz bosh yuriskonsulti



K. Shaxarov

14.06.2022 yil